

“Агробанк” АТБ
Бошқаруви йиғилишининг
2017 йил 21-апрелдаги
26/2-сонли қарорига __илова

Ғазначилик департаментининг
НИЗОМИ

Тошкент - 2017

1. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги, “Хавфсиз бўлмаган ва носоглом банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомлар ҳамда банкнинг Устави ҳамда тегишли ички меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом департаментнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини белгилайди.

3. Департамент Марказий аппаратнинг мустақил таркибий тузилмаси ҳисобланиб, қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

- 1) Ликвидлиликни бошқариш бошқармаси:
 - а) Актив ва пасивларни бошқариш бўлими;
 - б) Хорижий кредит линиялар ресурсларини бошқариш бўлими.
- 2) Стратегик ривожлантириш бошқармаси:
 - а) Стратегик режалаштириш бўлими;
 - б) Маркетинг бўлими.


4. Департамент ўз фаолиятини Бошқарув раиси ва унинг мутасадди ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

5. Департамент ходимларининг лавозим мажбуриятлари мазкур Низомга илова қилинади.

6. Департаментнинг бошлиғи Бошқарув раиси томонидан тайинланади.

7. Департаментнинг штати ва ички ташкилий тузилмаси банк Бошқаруви қарори билан тасдиқланади.

8. Департамент фаолиятига оид масалалар, жумладан барқарор молиялаштириш базаси ва тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ кредиторлар ва депозиторлар (Молия вазирлиги, Марказий банк, Жамғармалар, тижорат банклари, корпоратив мижозлар) билан банк Бошқаруви номидан ҳуқуқий-шартномавий алоқалар ўрнатади.



9. Департаментда иш юритиш банк тизимида ўрнатилган иш юритиш тартибига асосан амалга оширилади.

2. Вазифалари ва функциялари

10. Департамент:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сонли Қарори ижроси юзасидан тармоқ ва соҳага тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, Ҳукумат қарор ва топшириқлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларни ўз вақтида самарали ижро этилиши ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлайди;

б) тегишлилиги бўйича келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиши ва уларга сифатли жавоб берилишини таъминлаш каби вазифаларни бажаради.

11. Департаментнинг асосий мақсади - банк ликвидлигини таъминлаш ва самарали бошқариш ҳисобланади. Шунингдек, банк учун мақбул бўлган шартларда депозит портфелини шакллантириш ва бошқариш, тегишли таркибий тузилмалар билан активлар ва пасивларни самарали бошқариш орқали банк ликвидлик ҳолатини бир маромда сақланишини таъминлаш, банк фаолияти бўйича маркетинг фаолиятини ривожлантириш, банкни ривожлантиришнинг стратегик ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

12. Ушбу вазифаларни бажариш учун Департамент:

а) банкнинг мақбул даражада капиталлашуви ҳамда ликвидлигини унга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши ва мажбуриятларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун етарли даражада сақлаш бўйича тегишли чоралар кўради, жумладан банкнинг ликвидлиги ҳамда тўлов қобилиятини таъминлайди;

б) банкнинг тасарруфидаги бошқарма ва филиалларнинг тўлов қобилияти мониторингини амалга ошириш ва шу асосда уларни ликвидлигини кўллаб-қувватлайди;

в) таҳлилий ишларни амалга ошириш учун барча зарур ахборотларни олиш имконини берувчи маълумотлар базасини яратиш юзасидан ишларни ташкил этиш. Ушбу маълумотлар асосида банкнинг ликвидлик ҳолатини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чоралар кўради;

г) замонавий банк ишининг юритилишини ҳисобга олган ҳолда Марказий аппаратнинг тегишли таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда банкнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштиришда иштирок этади;

"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki
Metodologiya bo'limi 3
348 raqam bilan ro'yxatga olindi
2017 yil 21 - aprel
Imzo

д)ресурсларни жалб этиш, ликвидлилик ҳамда тўлов қобилиятига риоя этиш юзасидан талабларни бажариш билан боғлиқ ҳолда янги хизматларни ривожлантириш бўйича таклифлар киритади;

е)ҳисоб-китоблар узлуксизлигини таъминлаш учун банк вакиллик ҳисобварағининг ликвидлигини таъминланиши юзасидан унинг мониторингини юритади;

ё)депозитлар, шу жумладан банклараро депозитларни жалб қилиш ва жойлаштириш шартлари, улар бўйича тўловларни белгилаш юзасидан Ликвидлиликни бошқариш кўмитаси (Бошқарув)га таклифлар киритиш. Молия бозоридан жалб қилинган ресурсларни ўз вақтида қайтарилиши ва фойдаланганлик учун тўловлар амалга оширилишини назорат қилади;

ж)ўз фаолиятига тегишли йўналишлар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва раҳбариятга тақдим этади;

з)Марказий аппаратнинг таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда банк фаолиятини ривожлантириш, шу жумладан бизнес-режасини ишлаб чиқиш, банк ликвидлигини таъминлаш ҳолатини таҳлили бўйича зарурий ишларни ташкил этади;

и)ўз фаолиятига оид йўналишларда банкнинг барқарор ривожланишини кўллаб-қувватлаш, ҳисобот давридаги натижаларнинг таҳлил қилинишини таъминлаш ва уларни бизнес-режа кўрсаткичлари билан таққослайди;

й)бизнес-режа курсаткичларини режалаштириш, прогнозлаш, таҳлилий ишларни ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан ишларни амалга оширади;

к)банкнинг ресурс салоҳиятини шакллантириш ва хизмат кўрсатиладиган мижозлар ҳамда ҳудудий филиалларнинг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжларини кондиради;

л)капиталнинг даражасига ўрнатилган талаблар бўйича мониторинг юритиш ҳамда капитал даражасини режалаштирилаётган ва рухсат этилган талаблар билан таққослаб боради;

м)банкнинг активлари ва пассивларини муддат ҳамда миқдорлари бўйича таҳлилий ишларни ташкил этади;

н)ликвидлиликни бошқариш кўмитасининг самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида ташкилий ишларни ўрнатилган тартибда мувофиқлаштиради;

"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki
Metodologiya bo'limi
348 raqam bilan ro'yxatga olindi
20 17 yil 21. aprel
imzo

о)тегишли таркибий тузилмалар билан биргаликда хорижий кредит линиялари ҳисобини юритади.

13. Департаментнинг вазифалари ва функциялари унинг таркибидаги бошқарма ҳамда бўлимлар томонидан қуйидагича бажарилади:

Ликвидлиликни бошқариш бошқармасининг Актив ва пасивларни бошқариш бўлими:

а)ресурсларни жалб қилиш ҳамда жойлаштириш ва Марказий банкнинг мажбурий заҳиралар жамғармасига ажратмаларни ҳисоб-китоб қилиш ва ўз вақтида тўланишини таъминлайди;

б)мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида тегишли таркибий тузилмалар билан биргаликда ортиқча ресурсларни даромад келтирувчи активларга жойлаштириш ва ресурс тақчиллиги вужудга келганда жалб қилиш юзасидан тегишли чораларни кўради;

в)амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда марказлашган кредит ресурслари ҳамда депозитлар бўйича Марказий банк билан шартнома асосида операцияларни амалга оширади;

г)банк ликвидлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида бошқа тижорат банклари, молия институтлари, Жамғармалар билан депозит ва ресурс жалб қилиниши бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади;

д)мақсадли йўналишга эга бўлган ресурслардан манбааларни муддатлар, мақсадлар ва ҳажмлар бўйича тақсимлаш усули орқали фойдаланади;

е)ресурслардан кредит йўналишини очган ҳолда босқичма-босқич ва очмасдан бир марталик фойдаланиш усули орқали фойдаланади;

ё)банкнинг ички тизим ҳисобварақлари орқали ўтказиладиган филиаллараро кредит ресурс операциялари бўйича назорат ўрнатиш, ҳудудий бошқарма ва тасарруфидаги филиаллар билан кредит ресурсларини тақдим этиш ҳамда жалб қилиш бўйича операциялар ўтказиш, банк депоизитлари (юримдик шаслар) бўйича асосий қарз ва фоиш тўловларини ўз вақтида тўланишини таъминлайди;

ж)банкда ташкил этилган "DEPO MARKET" дастури орқали банклараро депозитлар бўйича миллий валютадаги фоиш ставкаларнинг UZIBOR, UZIBID ва UZIAR индексларини киритиб борилишини таъминлаш;

з)банкнинг истиқболдаги ликвидлигини таъминлаш юзасидан тегишли чораларни кўради;

"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki
Metodologiya bo'limi 5
348 raqam bilan ro'yxatga olindi
20 17 yil " 21 " aprel
imzo

и)банкнинг депозит базасини банк учун мақбул шартларда шаклланишини таъминлаш мақсадида худудий бошқармалар билан биргаликда ишларни ташкил этади;

й)Ликвидлиликни бошқариш кўмитасининг самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида ташкилий ишларни ўрнатилган тартибда мувофиқлаштиради.

Хорижий кредит линиялар ресурсларини бошқариш бўлими:

а)халқаро кредит линиялар ҳисобидан ажратилган ресурсларни тегишли таркибий тузилмалар томонидан тақдим этилган буюртмаларга асосан худудий бошқарма ва филиалларга йўналтиради;

б)халқаро кредит линиялар ҳисобидан ажратилган ресурслар ва уларга ҳисобланган фоизларни филиаллар томонидан тегишли баланс ҳисоб рақамларда юритилиши устидан тегишли таркибий тузилмалар билан биргаликда назорат ўрнатади;

в)халқаро кредит линиялар ҳисобидан ажратилган ресурслар бўйича асосий қарз ва фоиз тўловларини худудий бошқарма ва филиаллар томонидан ўз вақтида тўланишини таъминлайди;

г)халқаро молия институтлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ жалб қилинган кредит ресурслари бўйича асосий қарз ва фоиз тўловларини тегишли таркибий тузилмалар билан биргаликда белгиланган муддатларда қайтарилишини таъминлайди.

Стратегик ривожлантириш бошқармасининг Стратегик режалаштириш бўлими:

а)банк бизнес-режаси ва бюджетини режалаштириш борасида ишларни ташкил қилади;

б)банк бизнесини ривожлантириш бўйича ички ва ташқи ахборотларни тўплаш, уларнинг таҳлилинини ўтказиш ҳамда таҳлил асосида банкни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқдан ўтказиш;

в)банкнинг бизнес-режаси ва бюджетида белгиланган асосий кўрсаткичларнинг ижроси бўйича худудий бошқармалар ва уларнинг тасарруфидаги филиаллар устидан тегишли таркибий тузилмалар билан биргаликда назорат ўрнатиш ҳамда таҳлил қилади.

"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki
Metodologiya bo'limi
348 raqam bilan ro'yxatga olindi
20 17 yil * 21 * aprel
Imzo _____

Маркетинг бўлими:

а) банкнинг равақи ва обрў-эътиборини ошириш борасида молия бозорида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш ҳамда мавжуд талаб ва таклифларни таҳлил қилиб боради;

б) маҳаллий ва халқаро бозорни қамраб олишнинг энг мақбул стратегиясини танлаш ҳамда бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда тегишли таркибий тузилмалар билан янги банк маҳсуллари ва хизмат турларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни ташки этади;

в) миждозларни банкка жалб этиш мақсадида маркетинг тадбирларини амалга ошириш ҳамда мазкур тадбирларни амалга ошириш юзасидан зарурий ишларни ташкил этади;

г) Марказий аппаратнинг тегишли таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда банк миждозларига янги, қулай ҳамда манфаатли банк хизмат турларини ишлаб чиқиш ва мавжуд хизмат турларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

д) Марказий аппаратнинг тегишли таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда банк веб-сайтидаги маълумотларни мунтазам равишда янгилаб боради.